




ТОШКЕНТ



XVI сароси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Кеча** Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада раванқ топтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари»** миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан авиакомпания жамоасига табрик йўллади.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари»** миллий авиакомпаниясини ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан фуқаро авиациясини ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади.
- **Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»** миллий авиакомпаниясини ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг соҳа ҳодимларига йўллаган табригини Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қозим Тўлағанов ўқиб эшиттирди. Йиғилишда соҳа ҳодимларидан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

- **Кеча** АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигида делегациянинг мамлакатимизга ташифи ниҳоятга етди. Делегация шу куннинг ўзигада Тошкентдан жўнаб кетди.
- **Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг кенгайтирилган хайъат мажлисида** вазирлик тизимидаги акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда қишлоқ ҳўжалигида иктисодий ислохотлар мониторингини қандай юритилаётгани тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

- **Республика «Мавнавийат ва маърифат»** маркази ҳўзурида муассаса ва ташкилотлар масўул ҳодимлари, маънавий-маърифий ишлар мутахассислари учун ташкил этилган малада ошириш курсларини навбатдаги тинловчилар битириб чиқди. Уларга «Мавнавийат тарғиботчи» гувоҳномаси топширилди.

- **Тўрақўргўн туманидаги «Оҳангар ТТТ»** хиссадорлик жамиятида пўнжа остига ва очик усулда чигит экувчи сеялка янги мослама яратилди.

- **Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида** тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими иш бошлади.

- **Бўхорода** ободонаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Моҳи Хосса ва Дилқўс мавзёларига туташ қарийб 80 гектарлик майдонда Бўхоро ботаника боғи барпо этишга киришилди.

- **Андижонда** ўзбек кинематографчилари яратган «Беш қисмат» янги фильмнинг тақдимот маросими ўтказилди.
- **Наманган** вилояти спортни ривожлантириш ва спортчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

- **Кеча** Зарафшон шаҳрида эркалар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистоннинг ўнинчи чемпионати мусобақалари бошланди.

Жаҳонда

- **Англиянинг** халқаро Кембриж биография маркази томонидан тақдим этилган «Хаётдаги муваффақиятлари учун» деб аталувчи мукофотга Ўзбекистон Республикасининг Навоий тоғ-металлургия комбинати директори Николай Кучерский сазовор бўлди.

- **Европа** Иттифоқининг комиссияси ҳўқуқ-тартибот органларининг фаолияти билан танишиш мақсадига Тожикистонга келди.

- **АҚШ** Президенти Жорж Буш Афғонистоннинг Муваққат маъмурияти раҳбари Хамид Карзай билан бўлган учрашувда урушдан толиққан бу жафоасиз мамлакат тинчлигини сақлаш, армия ва полицияни ташкил қилиш ишларига илгари халқ ҳўжалигини тиклаш учун ваъда қилинган 300 миллион долларга қўшимча қилиб яна 50 миллион доллар ажратилишини айтган.

- **Афғонистон** Муваққат ҳўкуматининг раҳбари Хамид Карзай Америка Қўшма Штатларига таширфи чоғида БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашди.

- **Кеча** Руминия ҳарбийларининг бир гуруҳи Кобулга келди. Улар Афғонистонда хавфсизликни сақлаш операциясида иштирок этадилар. 48 нафардан иборат ҳарбий гуруҳда алоқа ва бош штаб офицерлари бор. Улар Афғонистонда ярим йил хизмат қилишади.

- **Афғонистоннинг** собик қироли Муҳаммад Зоҳиршоҳ Наврўз байрами арафасида ватанига қайтишни мўължалламоқда. Қузатувчиларнинг таҳмин қилишларига, ватанига қайтган Зоҳиршоҳ июнь ойида афғон парламенти — Лойи Жирги мажлисини очиб беради.

- **Афғонистонда** илгари толибонлар томонидан тақиқлаб қўйилган «Кобул уик» газетаси қайтадан нашр этила бошланди. Газетани ҳўзирча ЮНЕСКО молилаштирган.

- **Россия** Федерацияси чеғара қўшиллари кўмондонди генерал К. Тоқийнинг сўзларига қараганда, қўрилаётган тегишли чораларга қарамай Афғонистондан Тожикистонга олиб келинаётган гиванд дориларнинг миқдори камайган ва ўтган йили беш ярим тоннани ташкил қилганки, бу 2000 йилда қўлга олинган наркотик моддаларга қараганда икки баравар кўп.

- **Қозғонистон** Бош вазири Қосимжума Тўқайев истаъфога чиқди. Унинг ўрнига шу вақтгача Бош вазирилик маданият ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари Имонғали Тасмағамбетов тайинланди. Соиб Қўс вазири ишдан кетиш сабабига тўхталиб, ўзини янги вазифани элтиштириш кўчларга берилиши мақсадга мувофиқлигини айтган.

- **Россия** Федерацияси Давлат Думаси раиси Геннадий Селёзнев бошчилигидаги Россия парламент делегациясининг Катарга расмий сафари аяқланди.

- **Ҳинд** армиясининг бир неча турдаги қуролли бўлинмалари бу йилги Республика кунига бағишланган тантанали парадда иштирок этади. Бунинг сабаби икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатлар таранглашганиги тўғрилиги Ҳиндистон армиясининг айрим қисмлари Покистон билан чегарадош Жамму ва Кашмир штатларига қўририлганлигидир. Покистон Президенти Парвез Мушарраф Республика куни муносабати билан Ҳиндистон раҳбариятига табрик жўнатиб, хиндларни яна бир марта тинчлик музокараларини бошлашга чақирди.

- **Россияда** шу йилнинг октябр ойида аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади. Бу ҳақда Президент тақдирини Думанинг иккала палата вакиллари қўллаб-қувватлашган. Матбуот хабарига қўра, мамлакат аҳолисининг сони тобора камайиб кетмоқда ва ҳозир 144 миллион кишини ташкил этади.

- **АҚШ** ҳўкумати Индонезияга террорчиликка қарши курашиш учун 10 миллион доллар миқдорига ёрдам беришга таъйинлагани Индонезия ташқи ишлар вазири Хасан Вирайўда маълум қилди.

- **Индонезия** пойтахтида ёққан сурункали ёмғир туфайли сув тошқини рўй берган. Ва унинг натижасида беш киши ҳалок бўлган. Жакартанинг фарбий қисмида 4 минг, жанубий қисмида эса 2 ярим минг киши бошпанасиз қолган.
- **Қурил** ороллариининг шимолий қисмида zilzila содир бўлган. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,8 баллга етгани қайд этилган. Ҳозирча қўрибнўрлар ва вайронагарчиликлар ҳақида хабарлар йўқ.

- **Нигерия** пойтахти Лагосдаги гарнизоннинг ўқ-дори омборида чиққан ёнғин оқибатида 600 дан ортиқ киши ўлган. Фалокатдан қочман деб ўзларини қаналга отган ва ҳалок бўлган одамларнинг озлаб жасадлари топилмоқда.

- **Кеча** Американинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида 2002 йилги киши Олимпиада ўйинлари Олимпия кишлўғининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ерда жаҳоннинг 84 мамлакатидан, шу жумладан Ўзбекистондан келган уч ярим минг спортчи, мураббий ва делегация аъзолари истиқомат қилиди.

ТАДБИРКОРЛИК Харидорлари кўпаймоқда

Пойтахтимиздаги «Сорб-тех» ёпик турдаги акциядорлик жамиятида бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш йўлида тинмай изланаётган корхона мутахассислари дори воситалари ҳамда турли хил филтёрлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Шу боис ҳам бугунга келиб бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 20 турдан ортиб кетди. Утган йилнинг охири чорағида ушбу корхонада янги маҳсулот — сорбентлар ишлаб чиқарила бошланди. Айни вақтда уларнинг 10 тури тайёрланиб, улар сув-тузли эритмалардан металлургия ажратиси, ифлосланган ҳавони, турли газларни тозалаш ҳамда ичимлик ва оқова сувларни тегинчи санитария меъёрларига етказишда жўда кўп келади.

— Бизнинг асосий ширимизи, — дейди корхона директорининг ўринбосари Мирза-рахим Алимов, — фандан ишлаб чиқаришга ва ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида сай-ҳаракатларимиз, изланишларимиз ўз самарасини бермоқда. Маҳсулотларимиз асосан халқимиз сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, экологини тозалаш мақсадларига хизмат қилади. Янгида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган ялғиланишга қарши, яра битирувчи, бактерия ўсишини тўхтатувчи ва им-

мунитетни стимулловчи восита — «Бактимс» дори-дармонимиз ана шу изланишларимиз самарасидир. Ушбу доридан бир сменада 25 минг флакон ишлаб чиқаришни мўължаллаганмииз. Утган йилда харидорларимизга 17 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб берган бўлсак, бу йилги режаларимиз аянчигана юксак.

Хозирги кунда корхона мутахассисларининг технологик ишланмалари уй-рўзгорда ҳам кенг ишлатилмоқда, улардан шифокор, эколог ва гидрометаллургия фойдаланмоқда. Энг муҳими, ишлаб чиқариши йўлга қўйилган сорбентларга талаб рисоладагидек. Уларнинг Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, Наманган машинасозлик комбинати сингари бюртамчилари бор. Шунингдек, истеъмолчилар орасида Краснодар ўлкасидаги «Славянский механика заводи» акциядорлик жамияти ҳам маъхўд. Келгусида эса Россия, Туркия, Қозғонистон давлатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик режаланимоқда ва маҳсулот экспортини кўпайтириш кўзда тутилган.

Албатта, мақсадларга ўз-ўзидан эришиш кийин. Бунинг дилдан хис этган корхона жамоаси бозор талаби асосида иш юритиб, сифатга асосий эътибор қаратишга, маҳсулотнинг харидориги турларини кўпайтиришга интилоқлардан. Интилганга эса омад ҳамиша кулиб боқаверади.

(Ўз муҳбиримиз)

Илмий йўналишда

«Информацион технологиялар» деган ибора тилга олинганда автоматика ва ҳисоблаш техникасининг кенг қамровли жараёни киши кўз ўнгига гавдаланади. Зеро, бу илмий йўналиш фан ва техника тарақиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Масаланинг муҳимлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳўзурида «Замонавий информация технологиялар» деб номланган илмий-техника маркази ташкил этилди.

Академияга қарашли «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Алгоритм — инженеринг» институти, «Автоматика ва ҳисоблаш техникаси» бюроси, «Фидо-бизнес» ташкилоти ана шу йрик тадқиқот ўчоғи атрафида мувофиқлашган, замонавий ахборот технологиялари соҳасида олиб борилаётган

изланишларни амалиётга тадбиқ этиш жараёнилари билан шуғулланаётдилар.

Марказ ўз фаолиятида ахборотларни ҳимоялаш ва маълумотларни таҳлил қилиш, кооператив тизимлар фаолиятини бошқаришни автоматлаштириш, компютер тармонидан унумли фойдаланишга асосий эътиборни қаратади.

Республикамизда амалга оширилаётган ахборот технологиялари ютқуларини омалаштириш бўйича муҳим илмий ишланмалар ҳам тайёрланаётган.

(Ўз муҳбиримиз)

«Электроника» ўқув маркази

Бугунги кунда ўқувчи ёшлар орасида электроника фанига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг электроника институти толиби илмларга пухта билим беришга қаратилган таълимий жараёни изчил амалга оширишга жиддий эътибор бериб келмоқда.

Институтда «Электроника» илмий-ўқув марказининг очилиш нур устига аёло нур бўлди. Маъмур ихтисослаштирилган марказ Тошкент Давлат электроника алоҳа институти ҳўзуридаги академик лицейнинг аниқ фанлар йўналишидаги синфларни ўз оталиғига олди.

Шунингдек, Тошкентдаги 225-мактабининг махсус синфлари ҳам «Электроника» кўмағида ўз машғулотларини уюштирмоқда.

Институтга уюштирилаётган экскурсия, узрашув-ётган ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

КўРГАЗМАЛАР «АЁЛ, КўЗЛАРИНГДА ДУНЁ СИРЛАРИ»

Шаҳримиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейида ёш, умидли rassom Қобил Тоировнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмадан rassomнинг графика ва амалий безак санъати бўйича яъни тахтага ишланган расмлари ўрин олган. «Аёл, кўзларингиз дунё сирлари» деб номланган ушбу кўрғазмада Қобил Тоировнинг асосий мавзуси аёл, кўз, дараҳт бўлиб, rassom улар орқали ўз қаҳрамонлари образини турли шаклларда графика ҳамда амалий безак услубида маҳорат билан намойн этган. Rassom ўз асарларидан кўпроқ ҳаётнинг ўтиб бораётгани, инсонлар кайфиятини кўз орқали ёриштиришга ҳараҳт қилади.

— Уч йилдан буюн ушбу йўналишда ижод қилиб келаяман, — дейди rassom Қобил Тоиров. — Хозирги кунда rassomларнинг аксарияти миниатюра, пейзаж, натюрморт, портрет услубида ижод қилишмоқда. Графика услуби унутилиб бораётти. Мен кўпроқ графика услубида ижод қилишга қизиқаман.

Ушбу услубни қайта тиклаш, давом эттириш, унинг ўзига хос томонлари, кирраларини очиб бериш ниятидаман.

Айни кунларда Темурийлар тарихи Давлат музейида бош rassom бўлиб ишлаб келаётган ёш ижодкор Қобил Тоировнинг ранг-баранг асарлари Ўзбекистон Бадий академиясининг ёш ижодкор rassomлар кўрғазмасида ва «Энг улғ, энг азиз» номли кўрғазмада намойиш этилган. Ушбу музейда эса иккинчи бор шахсий кўрғазмаси ўтказилмоқда. Бугунги кўрғазмада rassomнинг графика усулида чизган «Хаёт ўтиб кетди...», «Тақдир тарозиси», «Жавобсиз муҳаббат», «Наврўз» ҳамда амалий безак санъати бўйича ишланган «Орол», «Шарқ гўзали», «Аёл хар дом гўзал» сингари асарлари санъат ихлосмандлари эътиборини тортмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

□ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида мамлакатимизнинг етук тарихчи ва археолог олимлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»ни яратишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган махсус комиссиянинг семинари бўлиб ўтди. Унда аёллар соғлиги муаммолари, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

□ **ТОШКЕНДАГИ** халқаро марказида «Молия бозорлари» мавзусидаги икки кўнлик семинар ўз ишини бошлади.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** Ибн Сино мавзесида «Нозик-нон» масъулияти чекланган жамият корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жамият ахли ушбу мавзуда истиқомат қилувчи 60 мингдан зиёд аҳоли дастурхонага нон ва қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Тотли маҳсулотлар шартнома асосида 15 га яқин дўкон орқали аҳолига сотилапти.

□ **БУГУН** пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида Россиянинг хорижий маркази ваколатахонаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Халқимизда «Кариси бор ўйнинг париси бор» деган ҳикматли нақл бор. Юртимизда азалдан кексалар, нурунийлар эъзозлаб келинади. Мустақил юртимизда кексаларимизга ҳар томонлама гамхўрлик қилиш, уларнинг кўнгилларини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган йилги «Янгиликлар» йили деб эълон қилиниши нур устига аёло нур бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг кўни кеча қабул қилган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қарор кеча фуқароларга давлат ва жамият томонидан қаратилаётган диққат-эътибор, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўчатириш борасидаги кесиз гамхўрлик ифодаси бўлди.



Биз яқинда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлигининг Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийларига ўз хисобларидан ош дамлаб беришаётган экан.

— Ойнаи жаҳон орқали пансионатда яшаётган кексаларни кўриб уларга ўз саховатимизни кўрсатиш истағи тугилди, — дейди оиланинг катта келини Ерқўни Каримова. — Қарияларни қадрлаш йилида савабни дохил бўлсак, уларнинг кўнгилларини кўтарсак деган ниятидамиз.

Ушбу маскан директори, тиббиёт фанлари номзоди Рустам Бекназов билан пансионат бўйлаб айланамиз.

— 220 ўринли пансионатимизда ҳозир Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлигининг йўлнамаси билан келган 180 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилмоқда, — дейди хамроҳимиз. — Давлатимиз гамхўрлиги остида уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳараҳт қилаялмиз. Хар бир қария хонада бир ўзи истиқомат қилади. Телевизор, радио, совутич билан таъминланган.




Дарҳақиқат, пансионатда фахрийларга яратилган шароитларни кўриб бу ердаги ишбилармонликка тан бердик. Тувакларда ва богда минглаб тул атиргул, арчалар яшанб турибди. Ошхонада қўшларнинг сайроғи кишига хузуру бағишлади. Хомийлар ёрдамида товук фермаси ташкил этилиб, ҳозирда бу ерда 274 та товук боқилмоқда. Бу фахрийлар дастурхонага хар кўни 90 та туҳум дегани. «Ирода» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ эса хар кўни 200 граммдан сўт берилади. Дарвоқе, «РАФ» автоуловига қўшимча тарзда Қарияларни қадрлаш йилида пансионат янги «Дамас» машинаси билан «бойиди».

Пансионатда уруш ва меҳнат фахрийларига бундай ажойиб, тўла-тўқис шарт-шароитларни яратишга хомийлар — «Тумарис» қўшма корхонаси, «Мехржон» васийлик кенгаши, «Совпластинал», «Мармакс» қўшма корхоналари, «Хачатурян» хўсусий корхонаси, тумандаги «Тошкентмебель», «Онник», «Керамзитбетон» ва «Металсаудо»

корхоналарининг ҳам улушлари катта бўлмоқда.

— Ўзим уруш қатнашчисиман, фарзандларим бўлмаган, эрим вафот этгач, 9 йилдан буюн шу ерда истиқомат қиламан, — дейди биз билан сўхбатда Людмила Лесникова. — Пансионат тоза, саранжом-саришта, овқатлари мазали. Байрамларда турли концертлар уюштириб туришади, хомийларнинг эътиборидамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Тошкент шаҳар ва Собир Раҳимов туман ҳокимликлари ҳодимлари доимо келиб, қариялар ҳолидан хабар олиб туришади, айрим муаммолар тугилса дарҳол ҳал этиб беришади.



Дилшод ИСОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати га сўғалар топшириш пайти. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтидорли, зукко, билимдон ва изланувчан талаба ёшлар ҳамда илмий салоҳиятга эга ёш аспирантлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мана бир неча йилдирки, улар орасидан Президент Давлат стипендиялари аниқланмоқда. Бу йилги совридорлар орасида Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университетининг аспиранти Шухрат Каюмов ҳам ўзининг иқтидорли, илмий изланишлари билан Президент Давлат стипендиялари қаторидан мүнөсб ўрин олди.

Шухрат шахримиздаги математика ва физика фанлари бўйича ихтисослашган 140-мактабни муваффақиятли тамомлаб Тошкент Давлат техника университетидан «Мухандис-программист» мутахассислиги бўйича тахсил олиб, уни имтиёзли диплом билан битирди. У талабалик даврида ўзининг аъло ўқиши, намунали хулқи ҳамда ўқув жараёнидаги фаоллиги, илмий ишларидаги баъзи ютуқлари сабабли Абу Райхон Беруний номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Шунингдек бир неча бор республика миқёсидаги иқтидорли талабаларнинг, ёш олимларнинг илмий анжуманларида ўз маърузалари билан қатнашди, илмий мақола ва тезислари босилиб чиқди.

1996 йил айниқса Шухратнинг қалбида ёрқин из қолдириди. У ўқув жараёнидаги фаоллиги, илмий ишларининг салоҳияти туйғайли ҳукуматимиз томонидан «Шухрат» медали билан мукофотланди. Тинмай ўқиб изланиши туйғайли ДААД (Германиянинг академик алмашинувлар хизмати) жаамгармаси стипендияси сифатида Гамбург-Гарбург техника университетидан бир йил илмий талқинотлар олиб борди. Шундан сўнг Тошкент Давлат техника университетининг «Хисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинди. Шухрат Каюмов Ўзбекистонда масофадан

Шухратинг камол топсин...



ўқитиш ва магистратура ўқитувчиларини тайёрлаш халқаро Temris — TESIS лойиҳалари бўйича масъул ҳодим. Унинг 9 та илмий мақоласи чоп этилган.

— Бугунги кунда ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик, уларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлардан ниҳоятда мамнунман, — дейди талнов ғолиби Шухрат Каюмов. — Юртбошимизнинг «Менинг таянчим меннинг ишончим ёшлар», «Бутун Ўзбекистон болалари менинг фарзандларим» деган сўзлари қаерда бўлмай ҳамisha қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдилади.

Бугунги кунда олиб бораётган илмий ишнинг долзарблиги шундан иборатки, қишлоқ ҳўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган насос станцияларининг иштини моделлаштириш ва мақбуллаштиришга эришиш. Ишнинг муваффақиятли чиқса, оптимал бошқариш натижасида энергияни тежашга эришилади. Бу Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигига эришишда ўзига хос йўл бўлади. Биз Қарши магистрал каналининг битта насос стацияси иштини тўлиқ моделлаштириб, оптимал бошқариш орқали талаб қилинадиган сув миқдорини етказиш ва энергияни энг минимал сарфлаш ҳолатини топишга ҳаракат қилдик. Мақсад насос стациядан фойдаланишда энергияни ҳам, сувни ҳам тежаб, барчасида оптимал бошқариш тизимига эришишдан иборат. Бу иш халқ ҳўжалигига катта фойда келтириши шубҳасиз. Қилинган ишларда жуда катта кўмак, йўл-йўриқ кўрсатиб, керакли ёрдам бериб келаётган илмий раҳбарим техника фанлари доктори, профессор Рустам Ҳамдаиновнинг хизматлари жуда катта. У кишидан доим миннатдорман.

Айни кунларда «Насос станцияларининг иштини моделлаштириш ва оптимал бошқариш» мазмулидаги номзодлик диссертацияси устида илмий ишнинг давом эттириб келаётган иқтидорли аспирант, ёш олим Шухрат Каюмовга «Шухратинг камол топсин, Шухратжон!» дегимиз келди.

Дилором ИКРОМОВА

Шаҳримизда жамоат транспортини иштини яхшилаш бўйича анчагина ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаган ҳолда, айрим камчиликлар, йўловчилар асабига тегаётган нохуш ҳолатларни айтиб ўтишни лозим топдик.

«ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

«Тезюрар»даги ўзбошимчалар

Бизни бир нарса хайрон қолдиради. Пойтахтимиз кўчаларида оддий автобуслар билан бир қаторда «тезюрар» транспорт воситалари ҳам қўллаб йўналишларда қатнайди. Лекин уларнинг кўпчилигида фақат йўл ҳақида фарқ бўлмаса, бошқа қулайликни топпай доғда қолаёси. Чунки улар ҳам ҳар бир бекатда тўхтайдилар, одам йиғиш учун 4-5 минут туриб ҳам қолади. Бизнингча «тезюрар» дегани ишга, ўқишга ёки бирор юмуш билан шошаётган йўловчиларни манзилга тезда етказиш ва шунга яраша маълум бекатларда тўхтамаслик. Лекин айрим ўзбошимча ҳайдовчилар бу қоидага риоя қилмай, ўз истақларича иш бажаришади.

Мисол келтирадиган бўлсак, «Чорсу—Сергели-7» даҳаси оралигида қатновчи 132-, «Оқтепа—Юнусобод» йўналишидаги 111-, «Жанубий темир йўл вокзали — «Сувсоз» даҳаси йўналиши бўйича юрвчи 99-автобусларнинг фақат йўл ҳақидаги 15 сўмини ҳисобга олмаганда, бошқа оддий автобуслардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Агар бу ҳақда ҳайдовчиларга эътироз билдирсангиз, улар фақатгина «Биз нима қилайлик, режа бор ахир, режа», деб бакириб беришади ёки без бўлиб туравершади. Истатдикки, «тезюрар» автобусларнинг ҳайдовчиларига автокорхона ёки «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюмисига мутасаддилари томонидан ўз вазифалари яхшилаш тушунтириб қўйилса... Бу, албатта йўловчи учун ҳам, ҳайдовчи учун ҳам фойдадан холи бўлмасди.

К. БЕРДИЕВ, уруш қатнашчиси.

А. КУРБОНОВ, меҳнат фахрийси, **Н. УМАРОВА,** ҳамшира

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, айниқса уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш республикаимиз иқтисодиёти ривожидида муҳим ўрин тутишини ҳар бир ходимимиз тўғри англайди ва шу боис ҳам бўлимга тушган ҳар бир ахборот, ариза ўз вақтида кўриб чиқилиб, унинг ижобий ихросини таъминлашга интиламиш. Бир сўз билан айтганда, бугун бизнинг вазифамиз тadbиркорга қанот бўлиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

ИШГА АМАРҲАМАТ

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг саҳифаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илохотларнинг муҳим тамойилларидан бири қариялар, ногиронлар, болалар алоҳида ижтимоий муҳофазага олинишидир. Уларни кенг ижтимоий ҳимояга тортиш йўлида қатор тadbирлар амалга оширилаётгани фикримиз далили бўла олади.

2001 йил давомида туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан фуқароларга 20881 та пенсия тайинланди. Шундан 13867 таси ёшга доир, 5323 таси ногирон, 1691 таси эса боқувчисини йўқотганлик пенсиясидир. Йил давомида меҳнат стажига эришган келиб чиққан ҳолда 5791 та пенсиялар қайта ҳисобланди.

техникаларидан фойдаланиш ишлари алоҳида эътибор қаратилди. Бошқармада 127 та компьютер мавжуд бўлиб, уларнинг 77 тасидан пенсия хизматлари юмушларида фойдаланилади. Компьютерлардан фойдаланиш туман ижтимоий таъминот бўлимларида ҳам ўз самарасини бермоқда. Бошқармада бизга мурожаат қил-

Инсон манфаатлари устувор

Биз Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари **Омонулло ИНОҒОМОВДАН** аҳолига пенсия ва нафакалар тайинлаш ва тўлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминлашдан иборат конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайдиган қонун мавжудки — бу давлат пенсия таъминоти турғисидида Қонундир. Ушбу Қонун бўйича ҳар бир инсон қариганда, ногирон бўлиб қолганда, боқувчисини йўқотганда пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри бўйича пенсия ва нафақа олувчилар 321477 кишини ташкил этади. Улардан 305158 нафари пенсия олувчилар, 16319 нафари эса ижтимоий на-

Болаликдан ногирон ва пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий нафақа тайинлаш йил давомида 2039 тани ташкил этади. Ишламайдиган оналар учун бир йўла нафақа, яъни 6249 нафар онага суянчи пули тўланади.

2001 йил давомида Бош бошқарманинг пенсия хизматини ташкил этиш бўлими томонидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти турғисидида»ги Қонун талабларининг амалда бажарилиши, яъни пенсия ишларини расмийлаштириш сифати Акмал Ибромов, Чилонзор, Бектемир, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Сергели, Шайхонтоҳур туман ижтимоий таъминот бўлимларида текширилди ва камчиликлар аниқланиб, бартараф этилди.

Шуни айтиш керакки, пенсия ва нафақалар Қонунда белгиланган 10 кунлик муддатда тайинланиши керак. Текширув давомида 2088 та пенсиядан 20745 таси, яъни 99,35 фоизи ўз вақтида тайинланганлиги аниқланди. Нафакаларнинг ҳам барча турлари ўн кунлик муддатда тайинланади. Бошқармаимиз томонидан 2001 йилда пенсия тайинлаш ва тўлов ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида ва аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида компьютер

ган фуқароларга улар сўраган масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилади. Утган йил давомида пенсия бўлимига 142 та ёзма мурожаат келиб тушди. Пенсияни қайта ҳисоблаш бўйича ва имтиёзли пенсия тайинлаш юзасидан тушган ёзма мурожаатлар ижобий ҳал этилди.

Ходимларимиз иштини янада яхшилаш мақсадида бошқарма қошида малякка ошириш курслари ташкил этилган. Пенсия тайинлаш ва тўлаш бўйича мавжуд барча ҳужжатлар ҳар томонлама ва аетрофлича жойларда ўрганилишининг талаб этилиши ҳам яхши натижадор бериши мумкин.

2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши бошқармаимиз барча ходимларининг ўз ишларида янада маъсуллик билан ёндашишга, пенсионерлар ҳақ-ҳуқуқини ҳамisha одилона ҳал қилишга ундайди. Қариялар, кўмакка муҳтож оилалар, қаровчисини йўқ қилган эъзозланган юрт эса обод бўлади. Чунки кўпнинг дуоси кўл дейдилар. Биз доимо ана шу тамойилга риоя қилган ҳолда фаолият юритишга ҳаракат қиламиш.

Субхатдош Шоира МУҲАМЕДОВА

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Мен бир неча йилдан буюн кўшимнинг ёш болаларига энаглик қиламан. Бу ўтган даврлар пенсия тайинлашда меҳнат стажига қарадими? Нодира Хусанова, Чилонзор тумани.

Иш вақтини ҳисоб-киреб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (шу жумладан, фуқароларнинг уйларида юмушларини бажарувчиларнинг) ишлаган вақти улар ижтимоий сўғурта жаамгармасига сўғурта бадаллари тўлаган тақдирдагина иш стажига қўшиб ҳисобланади.



Собир Рахимов тумани Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида малякка ошириш фаолияти қўрсатишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) меҳнат бўлимининг кадрлар бўлими бош мутахассиси **Шоҳиста Салимова** (чапда) ва бандлик бўлими жаамгармаси бош мутахассиси **Альфия Салоҳитдинова** компьютерда бўш иш ўринлари рўйхатини кўздан кечирмоқда.

Пастдаги суратда (чапдан ўнганга) меҳнат бўлими ишга жойлаштириш шўбаси мудири **Мовлулда Розикова**, жаамгарма молия бўлимининг мутахассиси **Индирра Утегенова** мижоз Шаҳноза Тилашевага маслаҳат беришмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



БАНДЛИК

Ариза ортида — одамлар тақдири

Жойлардаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимларининг ходимлари нафақа аҳолини иш билан таъминлашда, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам ўзларининг касб маҳоратларини намоён этиб, кўпчилигининг ҳурматига сазовор бўлиб келишаёлди.

— Ҳа, дарҳақиқат, ҳар ойда бошқармаимиз номига ўнлаб миннатдорчилик мактувлари келиб туради. — деди Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси бўлими бошлиғи **Нағриза Азизова.** — Бизга келаётган ҳар бир шикоят ва аризалар аввало ҳар жихатдан мукамал ўрганиб чиқилади. Ундан кейин эса ишни бошлаймиш. Бунда асосан шикоятчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний қўриб чиқилиши керак бўлади. Мисол учун яқинда Чилонзор туманида истикомат қилувчи фуқаро **Инесса Плуғяндан** келган аризада меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган «Ўзбекистон-Туркия» банки айрим сабабларга кўра

унга берилиши керак бўлган ўн учинчи ойлик маошини бермаган. Биз Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўлими руҳсати билан ушбу ариза юзасидан текшириш ўтказдик.

Текширишлар натижасида ҳақиқатан ҳам фуқаро **Инесса Плуғяннинг** шикоят аризасида кўрсатган ваъжлари ўз тасдиғини топиб, унга тегишли бўлган ўн учинчи иш ҳақи тўлиғича ундирили берилди. Шунингдек, фуқаро **Светлана Сербярянникова** ўз аризасида қорхонадан ноҳақ ишдан бўша-тилганлигини баён этади. Бу шикоят бўйича ҳам тезда зарурий чоралар қўрилиб, **Светлана Сербярянникова** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси моддаларига асосланган ҳолда ўз иш жойига қайта тикланиб, келиб чиққан мажбурий иш қолдирган вақти учун ҳақ ундирили берилди.

Ана шу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин энг асосийси, адолатнинг тикланишидир.

Очил ҲАЗРАТОВ

Ўғай онанинг ўғай болаларини гўдақлик ёшида парваришлаган вақти стажга қўшилиши?

Агар қўшишга бўлмаса, қандай ҳужжатлар билан тасдиқланади?

Ҳолида Носирова, Бектемир тумани.

Ҳа, қўшилиши. Шунинг учун пенсияларни 1994 йил 1 июндан қайта ҳисоблаганда ўғай онанинг ўғай болаларини гўдақлик ёшида парваришлаган вақти, ҳаммасини жаамлаганда 6 йил доирасида, иш стажига қўшиб ҳисоблаш керак.

Ушбу ҳолатни тасдиқлаш учун эса бу ҳақда турар жойдан берилган маълумотнома ва никоҳ турғисидидаги гувоҳнома керак бўлади.

Пенсияни тайинлаш турғисидида ҳужжатлар қандай муддат ичида кўриб чиқилиши керак?

М. Вождикова, Шайхонтоҳур тумани.

Пенсия тайинлаш турғисидида ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кун ичида қорхона, ташкилот ёки аризадаги пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган жаамгармонани беради ёки жўнатида ҳамда айна ҳолда барча ҳужжатларни қайтаради.

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИБ ДОМО БЎЛДҲ...

Инсоний муҳаббат бор экан, демек кадр-киммат ҳам бор. Ҳар бир одам боласида ўз кадрини билиш ва эъозлаш туйғуси бўлиши керак.

Доно жавоб берди: — Ота-онадан туғилган ҳар бир жон борки, ўз зоти-га тортади. Она қорнида бола жон озғиб олиб, ривож топади, шу палладан одамзод наслига қиради.

«Электротехнология асослари» ўқув кўланмиси ҳам муҳим аниқлик бўлди. Ўзбек тилида биринчи марта босмага тайёрланган мазкур адабиёт бўйича амалий машғулотлар олиб бориш тadbирлари ҳам кўрилди.

Ташкент Давлат автомобиль транспорти ва йўллар институтининг «Электромеханика ва автоматика» кафедрасида ана шу курс бўйича махсус ўқув машғулоти йўлга қўйилди.

Бундай илмий-амалий машғулотлар олиб боришга ўқув кўланмасининг муаллифи сифатида профессор Н. Ҳамидов тақдир қилинди.

Акбар АЛИЕВ

ТАЪЛИМ

Французча талаффузда

Тошкентдаги 51-гимназияда француз тилидан ҳам ўқувчиларга пухта билим берилмоқда. Француз тилининг ўзбекистондаги элчихонаси томонидан оталикқа олинган бу ўқув даргоҳини таълимий жиҳозлар билан таъминлаш борасида ҳам қатор хайрли ишлар қилинди.

Гимназияда кўп йиллардан бери француз тилидан сабоқ бериб келаятган моҳир педагог Уғилбой Воҳидованинг Францияга қилган сафари ҳам мазмунли ўтди. Бу таърибкор ўқитувчи элчихона ходимлари билан ҳамкорликда «Асрлар изидан» номи француз тили тўғрисидаги очигина муяссар бўлди.

Тўғрақда «Бой ила хизматчи», «Келинлар қўзғолони», «Отанининг қизи» деб номланган асарлар асосида айрим саҳна кўринишлари тайёрланди. Улар Уғилбой Воҳидова таржимасида француз тилида томошабинларга тақдим этилди.

Моҳир педагог «французча-ўзбекча дуэт»ни тузишга муаллиф сифатида қатнашгани ҳам маънувият билан айтиб ўтиш жоиздир.

Анвар АЗИМОВ

Ҳакам шундай жавоб қилди: — Одам азизу мукаррам бўлиб яратилган, унга ҳаёт берилганда қалбида меҳр-муҳаббат ва кадр-киммат ҳисси ҳам беравар туғилган.

Бу бир ҳикоят, лекин унда бир олам маъно бор. Азалий авлод-аждодлардан кўна мерос бўлиб келаётган инсоний кадр-киммат дунё мавжуди, ҳаётимизга зийнат, фазилат ва яхши ҳислат бағишлайверади.

Байт: Суяниқ яшайсан ҳамма-ҳаммага, Дўстлар даврасида доим бут номинг. Ўйинга эргашиб яхши аталдинг, Иззат-икром билан аташар номинг.

● Ота-она фарзандига ҳаёт бағишлаш билан бирга энг аввало унинг яхши одам бўлиб етишишини, элқурта обрў-ҳурмат топишини, иззат-икромли ва кадр-қимматли бўлишини тилайди.

Ҳар бир ота-она фарзандини одамлар билан муомала-муносабатга, меҳр-оқибатли бўлишга, яшаш тарзига, яъни ҳаётнинг турли-туман қонун-қоидаларига ўргатиб, асл ниятли яхши одам бўлишга ундайди. Инсон боласи улғайиб, ота-она табиатида қонга ўтган меҳр-оқибат ва кадр-кимматни йўқотса, энг яхши фазилатидан айрилади, одамлик сийбҳини йўқотади.

ХИҚОЯТ. Доно ҳакамдан сўрадилар: — Ота-онамиздан ўтган меҳр-оқибат ва кадр-қимматни билиш ҳиссимизни қандай асрашимиз керак? Доно ҳакам жавоб берди: — Кўринг, қора тун ёруғ қундузини, совуқ ҳаво иссиқ ҳароратни тўхтовсиз қувалаб юради. Лекин ёруғлик ҳеч қачон қара тунга, иссиқ ҳарорат эса ўзини совуққа алмашмайди. Зеро, яхшилик ҳам ҳеч қачон ёмонликка қўшилиб кетмайди. Табиатнинг шу мустақам қоида-сида ўрнак олиб, меҳр-оқибатингни газаб-нафратга айлантирманг, кадр-қиммат фазилатингни қара ерга урманг.

Одамлар яна сўрашдики: — Меҳр-оқибатсиз, кадр-қимматсиз одамни нимага қиёс қилса бўлади? — Меҳр-оқибатли, кадр-қимматли одам хушбўй хидли, ҳусни жозибали гўлга ўхшайди. У ҳаётда яйраб, яшнаб яшайди. Агар шу икки фазилатдан одам маҳрум бўлса, у жозибаси кетиб, хиди йўқолган ва ҳазонга айланган гўлдек хор бўлади.

Байт: Бошни фидо айла ато қошига, Жисни қил садқа ано бошига.

● Мунофиқлик, ҳушомадгўйлик ва иккиюзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга ҳисбатдан газабкор ва мурсосиз бўл.

● Одамни ўзига мақташ ҳушомадгўйлик белгисидир.

● Фақат пасткаш одамгина олдинда мақтаб, орқандан гийбат қилади.

● Кимки ҳушомадга учса, ҳимоясиз қолади.

● Яхшилик ниқобига ўралмаган ёки унинг кўмагига суялмаган биронта ҳам иллат йўқ.

● Адаб ҳақида донолар шундай дейди: Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар ўртасидаги тафовутни аниқлашдир.

Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон ҳислатлардан доволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ислари раванқ топади.

Баъзи ҳакамлар адабни энг маъсум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсини барча қабҳ оdatлардан тозалаш дейдилар. Демак, қимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг жони.

Байт: Ишонмағил маддох сўзломларга, Заррача наф учун сени мадҳ этар. Бир кун муродин ҳосил этмасанг, Икки юздан ортиқ айб санаб кетар.

● Энг эзгу ниятли кишида уч фазилат бор: тоатибодатда ибрат кўрсатади, гуноҳлардан сақланади, ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилади.

● Мунофиқда уч аломат бор: сўзлаганда ёлгон гапирди, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади.

● Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, унинг тўрт душмани бўлади. Биринчиси, ақл гавҳаридир, унинг душмани — газаб. Иккинчиси, илм гавҳари — душмани тақаббурилик. Учинчиси, қаноат гавҳари — душмани ҳирс. Тўртинчиси, саҳийлик гавҳари бўлиб, унинг душмани эса таъмадир.

Ривоят қиладилар: «Бир-бирингиз билан аччиқлашманг, ҳасад қилманг, тескари караб кетманг. Эй инсонлар, бир-бирингиз билан ака-ука бўлинглар, ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир».

лан ёгин тўқиши ва тоғга йўналишига ўз ҳолатини ўхшатмоқда.

Вайдаи васл этса ул Шири санам, Ғам тоғини Қозғамен тирноғларимни тешаи

ФАН Самарали изланишлар

Ўзбекистонда электроника фанининг муҳим йўналиши сифатида тараққий этмоқда.

Илмий муассасанинг етакчи олим, профессор Н. Ҳамидовнинг кўп йиллик тадқиқотлари асосида юзага келган «Электротехнология асослари» ўқув кўланмиси ҳам муҳим аниқлик бўлди.

Ташкент Давлат автомобиль транспорти ва йўллар институтининг «Электромеханика ва автоматика» кафедрасида ана шу курс бўйича махсус ўқув машғулоти йўлга қўйилди.

Бундай илмий-амалий машғулотлар олиб боришга ўқув кўланмасининг муаллифи сифатида профессор Н. Ҳамидов тақдир қилинди.

Акбар АЛИЕВ

Табъини сихҳатлиг эл шарбат била муътод этиб.

Ғазалдаги руҳий ҳолат, кечинмалар изхориға аҳамият беринг:

Ичсангиз май суйидин, ишрат уйин обод этиб, Журъае ҳам куйғасиз тўфроққа, бизни ёд этиб май суви — май ичимлиги, ишрат уйи — ҳурсандлик, хушдиллик қилинадиган жой, майхона ҳам демокат.

Журъа-а., бир културм, бир ҳўплам, бу сўз охиридаги «ё» харфи (и, е ўқилади) форсийда «ёйи ваҳдат» бўлиб келган, яъни битта, биригина маъносини беради

— куйғасиз — куйғасиз:

«ИШҚ АЙВОРИНИ ХИФЗ АЙЛАЙ...»

Навоийни ўрганамиз



561

Мумтоз шеърятимизнинг етакчи мавзуи — ишқ тараннумидир. Ишққа таъриф берганда, ишқ бу бирор қимсага, бирор нарсага беҳад шавқдир ва шиддатли майлдир, дейдилар. Ишқ бир оташдир, алангадир, у қалбда пайдо бўлади, дейдилар. Ишқни жон дейдилар, жоннинг жони, дейдилар. Навоий ишқни ажиб бир қисса ва уни олам бино бўлгандан бери куйлайдилар, дейди.

Ғариб қисса эрур ишқким, туганмади ҳеч, Агарчи бўлгон олам биноси айтилади.

Бу туганмас қисса ҳақида, турли-туман одамлар ёздилар, лекин қизиги шунки, юз мингдан бири — ҳамон ёзилмади, дейди Навоий. Агар ишқ нима, унинг феъл-атвори қанақа билмокчи бўлсангиз, барча ишни кўйиб, бизнинг девонни ўқинг, ёдланг ҳам, дейди.

Эй Навоий, ишқ айтирини хифз айлай деган, Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни хифз.

Адаб аҳли, олимлари ишқни иккига бўладилар: мажозий (бизда «дунёвий») яъни инсонга ва ҳақиқий, яъни Илоҳқа муҳаббатдир. Ишқ ҳақиқий ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди, дейдилар. Унга мажозий муҳаббат ўтида ёниб, покланилмаса етишиб бўлмайди, дейдилар... Ҳар бир инсон ўз ҳаётида муҳаббат оташгоҳига тушади. Висолнинг инсонга бахш этувчи хузурини, айрилиқнинг — ҳижронинг машаққатлари — аламлариға дош бера олмаган инсонлар ҳақиқий ишқни англаб ета олмадилар, унга эриша билмадилар, дейдилар.

Шарқ шеърятини, жумладан Навоий ғазалларида муаллифнинг шарҳи ҳолиға оид маълумотлар узрайди. Бунга муҳтарам олимларимиздан А. Ҳайитметов эътибор қилиб, мақолалар ёзганлар.

Биз ҳам имкон қадар баъзи фикрларимизни оқшомхонларга етказмокчи бўлдик. Навоий шеърятини «гул» тасалли кўп тилға олинади. Баъзан у оддий чечакки, баъзан жонли гулни аниглайди. Гоҳи билихтиёр туркий халқлар оғзаки ижодидаги Навоий ва унинг севгилиси Гул (ёки Гули) исми қизини ёдға солади. Гул касаллик туфайлими ё бошқа бир сабаб биланми ҳаётдан кўз юмган экан. Ана шундай ривоятларға ишора бордек туйилган ғазаллар туркумининг мазмунини, шарҳларни тақдим этиб борамиз, умумхулоса чиқаришни эса ўзларига ҳавола қиламиз.

Ичсангиз май суйидин, ишрат уйин обод этиб, Журъае ҳам куйғасиз тўфроққа, бизни ёд этиб.

Соз этинг аввал гамимдин нағмаким, бир усл эрур Уй иморат айламак, хоро била бунёд этиб.

То ҳавойимен ул ой ҳажрида андоқким, булут Токқа ҳар дам юзланурмен, ёш тўкуб, фарёд этиб.

Ваъдаи васл этса ул Шири санам, Ғам тоғини Қозғамен, тирноғларимни тешаи Фарҳод этиб.

Ул куюндурмен фано даштидаким, бўлдум адам, Ҳар не боримни бошимдин чюруб, озод этиб.

Ҳар замон кўнғлум котиг эрмас дема, эй сиймбар, Ёшурун қолмас биллур ичра ниҳон пўлод этиб.

Воқиф ўлким, даҳр дехқони сенинг қасдингдадур, Исмин анинг гул қилиб, отин мунунг шамшод этиб.

Майға тарғиб этмакинг кофийдурур, эй пири дайр, Мундин ўзга ишни найларсан манга иршод этиб. Истама лаълин, Навоийким, маразда эмганур,

— Хурсандчилик масканини обод қилиб ўтирганингда бизни ёдға олиб, бир културм майни тўфроққа тўкиб қўйинг.

Соз этинг аввал гамимдин нағмаким, бир усл эрур. Уй иморат айламак, хоро била бунёд этиб.

соз этмак — куй чалмоқ, нағма — оҳанг, куй, усл — усул сўзи бўлиб, вазн тақозоси билан шундай ўқилади. Мусиқий ижродаги зарб йўллари аниглайди.

— Аввал менинг гамим ҳақида бир оғир куй чалинг (ахир) ўй қураётганда унинг пойдеворини қаттиқ тошдан қиладилар-ку.

То ҳавойимен ул ой ҳажрида андоқким, булут, Токқа ҳар дам юзланурмен, ёш тўкуб, фарёд этиб.

ҳавойи — беқарор, паришон. — Ул ой (деҳ ғўзал)дан айрилиқда шундай беқарорменки, булутдек ёш тўкиб, фарёд қилиб тоғ томон йўл оламан. Шоир бу ерда булутнинг момақалдирак би-

Табъини сихҳатлиг эл шарбат била муътод этиб.

лаъл-а., қизил рангли тош; адабиётда лаб-ни аниглайди.

мараз-а., касаллик, хасталик эмганмак — куйналмок, дард тортмок-табъ-а., табиат, яратиллиш.

муътод-а., одатланган, кўниккан. — Навоий, унинг лаълини истама, у касаллиқдан азоб емоқда; тани соғлар (эса) шарбатга одатланганлар.

Мазкур ғазалдаги шоҳ байт, фикримча, 7-байтдир. Унда шоир ўз севгилиси исмига ишора этаётгандек. «Даҳр дехқони» шоир қасдини қилиб исмини гул деб атаганини аниқай очик эътирофдек тушунилмайди?! Яна маҳбубанинг касаллиқдан азоблар чекиши...

Ғазалнинг ниҳоятда дардилик ҳар ҳолат, ҳазин ва чорасиз кайфиятлар изхоридадан иборат эканлиги, юқоридаги муродни яна баён этишга қаратилгандек...

Суйима ҒАНИЕВА



Қорға бурканган пуриқор тоғлар бағрида.

Инсон ирсиятига кўра 120 йил умр «кафолатлаб» қўйилган.

Энг узоқ умр кўраётганлар ҳозирда японлар бўлиб, кунчиқар мамлакатда ўртача 79 йил ҳаёт кечирмоқдалар.

Австралияликлар, греклар, канадаликлар ва шведлар ўртача 78 ёшга яшашмоқда. Шифокорлар, руҳшунослар ва диетологлардан тарқиб топган халқаро гуруҳ шундай 6 та фойдали қоида ишлаб чиқардиларки, унга амал қилган кекса ёшдагилар анча узоқ ва ёқимли умргузаронлик қилишлари мумкин экан.

Куйидаги маслаҳатлар эса умрни узайтирувчи омиллар сирасига қиради.

● ТЎЙГУНЧА ОВҚАТЛАНМАНГ. Тановул вақтингиз 20 дақиқадан ошмасин. Агар ҳаммасини 5-10 дақиқада пок-поккиза туширсангиз — ошқозон-га овқат оғир тош мисоли ўтиради ва «қиқш» қийин кечлади.

Ҳар бир луқмани саккиз - ўн мартаба чайнанг. Натижада тупук билан бирга пиалин — шифобахш дори ишлаб чиқарилади. Бу модда мейлани тўла қувват билан ишлашга мажбур қилади ва тўқлик юзага келади.

Тушлик қилиб бўлғач, дарров ўринга қўзилманг. Қандайдир юмуш билан банд бўлсангиз ҳар хил ошқозон касалликлари — гастрит, колит, яра ва қабзиятга учрамайсиз.

Таом ёшингизга мувофиқ бўлсин. Чунки ҳар бир ёшда киши ҳар хил овқатланади. 30 ёшлиқларга жигар ва ёнғоқлар айти муҳтоаб бўлса, 40 ёшлиқларга бета-каротин (сабзи) мақбул, 50 ёшдан кейин кальций суяқни сақлайди, магний юракни, 40 ёшдан ўтганларга пишлоқлар ва буйрақларда бўладиган селен моддаси жуذا зарур.

50 ёшдан ҳатлаганимиздан кейин балиқ истеъмол қилиш билан юрак-

ни ва қон-томиларимизни асраймиз.

● САЛҚИН ХОНАДА УХЛАНГ. Ҳарорати 17-18 даража бўлган хонада ухлаганлар узоқ йиллар ёшлигича қолади. Негаки, таналаги модда алмашувлари, айниқса ёшнинг ўзига хос хусусиятлари атроф-муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ.

● ДОИМО ҲАРАКАТДА БЎЛИНГ. Жисмоний тарбия ҳар қандай дори-дар-

мондан ҳам кучлироқдир. 8-10 дақиқа эргалабки балантарбия ҳам умрни узайтиради. Балантарбия саломатлик учун овқат ва сувдан кам ўрин тутмайди. Тўғри танланган ҳаракатлар мажмуи туфайли энг улғў ёшга ҳам бўғинлар ҳаракатчанлигини сақлаб қолиши мумкин.

Маълумки, ҳаракатлар мушаклар ва бўғинларни мустаҳкамлайди. Уйқудан қўзингизни очилингиз билан кундузги серҳаракат фаолиятга ўзингизни чоғланг.

● СЕВИНГ, МЕҲР-МУҲАББАТ КўРСАТИНГ. Ошиқлик танада мураккаб кимёвий моддалар ишлаб чиқаришга олиб келади. Мазкур моддалар эса ўз навбатида юракларга ҳаяжон солади, ошқозонда ёқимли, илиқ сезилар пайдо бўлади, кафтлар терлайди. Ҳис-ҳаяжонли туйғуларни жўш урдилади. Севинг-севилган киши 10-15 йилга ёш кўрилади.

Висол дамларидан танада ишлаб чиқариладиган эндорфин (бахт гармони) иммун тизимни мустаҳкамлайди.

борича руҳий тўқнашувдан қочинг. Ойлек равшанки, ҳамма касалликлар асабдан. Асабий уйқусизликда ялғиз, мелисса ва валерьяна япроқлари дамламаси яхши ёрдам беради. Ҳар кунни баданни тузли совуқ сувга ҳўлланган сочиқ билан ишқиланг. Уйда ва ишдаги ўзаро муносабатларда қуйидаги маслаҳатларга риоя қилишга интилинг, аввало ҳамсуҳбатингизни кадр-қиммати билан ҳисоблашинг, қаҳру газабга берилманг, бир дақиқа сукут сақлаб, мулоҳаза қилиб кўринг. Баъзан раҳбар нуқтаи назарига қулоқ солиш, бир баҳх паст келишни ҳам билиш керак.

Ўзингизга танқид қўзи билан қарасангиз, аτροφингиздагилар ҳурмати қозонасиз. Кўнглисизликлар, ташвишларингиз билан ёлғиз қола кўрманг. Уларни мулоҳазакор, солиҳ инсонлар билан ҳам кўрсангиз энгил тортасиз.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

Умрни узайтирувчи омиллар

Саломатлик сирлари